

ўтказиб келинади. Бу суҳбатларда талабаларга Барқарор ривожланиш мақсадларининг турли йўналишлари бўйича маълумот берилади, халқаро тажрибалар ўрганилади, ёшларнинг муносабатлари таҳлил қилиб борилади. Талаба-ёшлар жамиятдаги кичик муммоларнинг илдизларини топишга, уларни бартараф этиш учун нималар қилиш лозимлигига доир шахсий позицияларини шакллантириб борадилар. Бундан ташқари университет талабаларининг катта қисмини қизлар ташкил этгани боис уларни жамиятдаги айрим носоғлом стереотиплардан ҳимоялашга оид маслаҳатлар бериб борилади, яъни ҳеч ким ва ҳеч нарса аёлларнинг таълим олишлари учун тўсиқ бўла олмаслигини, билим олиш миллат келажиги учун зарурлигини тушунтирамиз. Университетда фарзандли, оилали талаба қизлар учун қатор шароитлар яратилган. Жумладан, она ва бола хонаси, қизлар учун касбий тўғараклар, гўзаллик салони, спорт-соғломлаштириш комплекси ва ҳоказо. Мақсадимиз ёш қизларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга, илм йўлида оғишмай олға босишларига кўмаклашишдан иборат. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ бугун талаба қизларимиз орасида халқаро ва республика танловлари ғолиблари, стипендиатлар, юксак илм соҳиблари сони ортиб бормоқда.

Аммо эришилган бу ютуқлару қўлга киритилган натижалар бугун бизни тўлиқ қониқтира оладими? Албатта йўқ. Маълумки, инсон табиати, унинг руҳияти доимо ўзгаришга, такомиллашувга мойил. Ақлли инсон ҳеч қачон ўзининг бугунги ҳолатидан қониқмаслиги керак. Шу маънода Ўзбекистон тарихида биринчи марта кучли 600 таликка киришимиз етарли эмас, чунки университетнинг салоҳияти, таълим сифати янада яхши кўрсаткичларга эришиш учун ҳам етади. Йилдан йилга халқаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб борапти, хорижлик талабалар оқими ошапти, илмий салоҳиятимиз янада яхшиланиб борапти.

Бир сўз билан айтганда, тамаддуний ҳодисалар ҳар қандай халқнинг илм-маърифат тизгинини маҳкам тутиб, аниқ мақсадоар

сари яқдил одимлашидан бошланади. Қачонки миллат тарихий тараққиёти давомида илм-фанни, инсоний қадриятларни ривожлантириш йўлидан изчил борса, Ренессанс ҳодисаси юз беради. Янги Ўзбекистон эса айнан ана шу йўлдан бормоқда. Қадриятлар тикланипти, илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Ўйлаймизки, мазкур ишларнинг рўёби мамлакатимизда илм-фаннинг тараққий этишига, таълим тизимини замон талабларига мослаштирилишда янги босқич бўлади.

Манбаа: file:///C:/Users/admin/Downloads/https_yuz.uz_file_newspaper_178e754a4861b91b1c9d4faec12fe902.pdf

ОҚИЛА АЁЛЛАР ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Гулноза Жўраева

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Хотин-қизлар кенгаши раиси, филология фанлари доктори

Айни вақтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизларга яратиб берилаётган улкан имконият ва шароитлар туфайли аёлларимиз давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Қайд этиш лозимки, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича имкониятлар ҳамда ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кенг қамровли бўлиб, улар хотин-қизларни таълим олиши, иш ва уй-жой билан таъминланиши, уларга тенг меҳнат шароитлари яратилиши бир сўз билан айтганда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни



ўз ичига олади. Давлат раҳбари раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида “Энди ҳар бир маҳаллада аёлларнинг дарди билан яшайдиган тизим бўлади. Қайси аёлга нима кераклиги, ўқиши, даволаниши, болалари тарбияси бўйича менинг столимда адолатли рақам бўлади”, – деб таъкидлаган эди. Ўзбекистонда яна бир эзгу ташаббус — “Оқида аёллар” ҳаракатига асос солинди. Бу янги ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизда аёлларнинг фаоллигини янада ошириб, миллий руҳ юксалиши, аҳиллик, бағрикенглик тамойиллари мустаҳкам шаклланиши, ўзаро меҳр-муҳаббат ҳисси қадрланишига кенгроқ йўл очади. Бундай тамойиллар ва кадрятлар бор жойда эса, албатта, барака бўлади, аҳиллик ва ҳамжихатлик мустаҳкам қарор топади.

«Бир йигитга таълим берсак, бир инсонни билимли қиламиз, бир қизга таълим берсак, бутун оилани билимли қиламиз», деган эди машҳур ҳинд йўлбошчиси Маҳатма Ганди. Дарҳақиқат, миллат эртасини аёллар тарбия-

лайди, зиёли ва ўқимишли оналар фарзандларининг келажагини илм-фанда, маърифатда кўради. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири айнан миллат қизларини илмли қилишдир. Мамлакатимизда ҳам бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, хотин-қизларни олий таълимга кўпроқ жалб этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Бугун мамлакатимиз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ортди. Натижада уларнинг бошқарув соҳаларидаги улуши 33 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етди. Бугунги кунда республикада 6 нафар академик, 700 нафардан зиёд фан доктори, 4780 нафар фан номзоди, 200 нафарга яқин фалсафа доктори (PhD) даражасига эга бўлган олимпиада аёллар фан тармоқларининг турли соҳаларида илмий фаолият олиб бормоқда. Дунёнинг нуфузли давраларида ўзбек олималари сўз олмоқда, салоҳияти тилга тушмоқда.



Ўтган ўқув йилида жамиятда аёллар ролини ошириш, еҳтиёжманд оилалар қизлари учун «ижтимоий лифт» тамойили асосида хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини кенгайтириш мақсадида алоҳида грант ўринлари икки баробарга оширилган эди. Жорий йилда ҳам бу эзгу ташаббус давом еттирилмоқда. Яқиндагина мамлакатимиз Президентининг «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда таълим ташкилотларида ўқишни истовчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир аниқ вазифалар белгилаб берилган. Мазкур қарорга асосан 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таҳсил олишлари учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиш кўзда тутилмоқда. Фоиз ставкаси юқори бўлмаган ва асосий қисми талаба ўқишни тугатгандан сўнг сўндирилади-

ган бу имтиёзли кредитлар ўқиш истагидаги миллионлаб қизлар учун катта имкониятдир. Яъни ушбу кредитни талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилиши белгилаб қўйилди.

Ҳар йили кўплаб қиз-аёллар айнан тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилинадилар, аммо моддий тўсиқлар туфайли ўқишни давом еттира олмайдилар. Афсуски, қизларни олий ва профессионал таълимга жалб этиш борасида охириги йилларгача йирик қадамлар ташланмагани ҳам айни ҳақиқат. Аммо сўнгги йилларда айнан хотин-қизларни таълимга жалб этиш бўйича салмоқли ишлар бошланди. 2020 йилда олий таълим муассасаларига грантлар сонини икки баробар ошириш, хусусан, қизлар учун алоҳида грантлар ажратиш белгиланди. 2021–2022 ўқув йилида ОТМларга қабул қилишнинг давлат буюртмасига оид президент қарори лойиҳасига кўра тавсияномага эга хотин-қизлар учун 2000 нафар қўшимча давлат гранти ажратиш кўзда тутилди. Янги ўқув йилидан бошлаб эса магистратурада ўқиётган қизлар

контракт пули тўлиқ бюджетдан қоплаб берилди. Қолаверса, ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизлар (жами 2,1 минг нафар) таълим контракт пуллари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилди. Бундан ташқари докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилди. Хотин-қизларнинг илм олишини рағбатлантириш ва уларга кўмак бериш мақсадида жорий этилаётган бундай имтиёзлар шу пайтгача мамлакатимиз тарихида кузатилмаган.

Бу каби имтиёз ва қулайликлар энг аввало, миллат оналарини ўқимишли ва зиёли қилиш, Ватан келажиги ҳақида қайғуриш, учинчи ренессанс пойдеворларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим омилдир.

Мен фаолият олиб бораётган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаларининг катта қисмини айнан хотин-қизлар ташкил этади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш университет жамоасининг асосий мақсадларидан биридир. Университетимизда фаолият олиб бораётган олимларнинг 50% дан кўпроғини айнан хотин-қизлар ташкил этади. Олималаримиз орасида давлатимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медаллари соҳибалари, халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлган малакали илм эгалари борки, уларнинг сиймосида давлатимизнинг биз аёлларга кўрсатаётган ғамхўрлиги натижасини кўрамиз. Талаба қизларимиз орасида ҳам Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Келажак бунёдкори” кўкрак нишони соҳибалари, юқори даражадаги танловлар ғолибалари, Президент ва бошқа номдор стипендиялар стипендиатларини кўриб, Ўзбекистоннинг маърифатли қизларига ҳавасингиз келади. Қувонарлиси, янги ўқув йилида ҳам юртимизнинг кўплаб ёшлари, ақлли ва зукко қизлари, университетимиз талабалари сафига қўшиладилар.

Манбаа:

<https://xs.uz/uzkr/83539>

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖЕСТВЕННОСТЬ» И «ЖЕНСТВЕННОСТЬ»

*Нозлия Нормуродова
кандидат филологических наук, заведующий кафедрой
стилистики английского языка Узбекского государственного
университета мировых языков*

Мақолада коммуникатив тилшунослик, когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг гендер лингвистикасига муносабатидаги янги ёндашувлар муҳокама қилинган. Матннинг концептуал аҳамиятини аниқлашда коммуникатив, когнитив ва маданий (культурология) соҳалар кўриб чиқилган.

В статье обсуждаются новые подходы коммуникативной лингвистики, когнитивной лингвистики и лингвокультурологии в отношении к гендерной лингвистике. Также рассматриваются коммуникативный, когнитивный и культурологический аспекты для выявления концептуального значения текста.

The article discusses new approaches to the gender linguistics and its close relationships with communicative linguistics, cognitive linguistics and linguoculturology. It is claimed that a satisfactory account of text can only be arrived at by means of the communicative, cognitive and culturological studies.

Калит сўзлар: гендер, стереотип, концепт, когнитив тилшунослик, эркаклик, аёллик, лексик-семантик сатҳ, семантика, концепт тизимининг майдон қолипи, когнитив метафоризация, лисоний олам манзараси.

Ключевые слова: гендер, гендерный стереотип, концепт, когнитивная лингвистика, мужественность, женственность, лексико-семантический уровень, семантика, полевая

модель структуры концепта, когнитивная метафоризация, языковая картина мира.

Key words: gender, gender stereotype, concept, cognitive linguistics, masculinity, femininity, lexical-semantic level, semantics, the field model of the concept's structure, cognitive metaphorization, the linguistic picture of the world.

Одним из приоритетных направлений и новой отраслью исследований при изучении человеческого фактора в языке становится гендерная лингвистика, изучающая взаимодействие языка и гендера. Гендерные исследования в настоящее время представляют собой интенсивно развивающуюся область, включающую в себя широкий спектр знаний разнообразных областей – социологии, психологии, культурологии, антропологии, межкультурной коммуникации, собственно лингвистики и др.

Термин «гендер» обозначает совокупность норм поведения, в том числе языкового, и позиций, которые обычно ассоциируются с лицами мужского и женского пола в данном обществе. В основе теории гендера лежит положение о том, что важны не столько биологические или физические различия между мужчинами и женщинами, сколько те культурные и социальные различия, которым общество придает значение. В определении понятия «гендер» особое место занимает рассмотрение корреляции, взаимосвязи, взаимовлияния понятия гендер как социокуль-